

1998 — ОИЛА ЙИЛИ БАХТУ ИҚБОЛ ВА БАРАКА ЙИЛИ БЎЛСИН!



Dehqon elkasiga dunyo tayanar

ҚИШЛОҚ ХАЁТИ

Ўзбекистон Президенти Ислон КАРИМОВ:
Мустақил ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир йили жамиятимиз, давлатимизнинг куч-қудратини ошириш, янги имкониятларни очиш билан бирга, диёримизда яшаётган ҳар бир инсоннинг дунёқараши ва иймон-эътиқодини юксалтиришга асос бўлмоқда. Бу биз учун энг катта куч, энг катта салоҳиятдир.

Muassis O'zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo'jaligi vazirligi

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1997 йил 30 ДЕКАБРЬ. СЕШАНБА №102 (5.872). Сотишда эркин нархда



ЭХТИРОМИМ СИЗГА, АЗИЗЛАР

Онесия САИТОВА,
Нукусдаги 1-туғруқхона бўлим мудири, Ўзбекистон Қаҳрамони.

Мустақиллигимизнинг улуг, кутлуг воқеаларига, эркин унутилмас таассуротларга, чуқур ижтимоий, иқтисодий, маънавий мазмунга бой бўлган олтинчи йили ниҳоясига етмоқда. Одатда йил якунида иқтисодийта оид маълумотлар, рақамлар, курсаткилар таҳлил этилади. Албатта, утаётган 1997 йил Қорақалпоғистон Республикаси учун ҳам иқтисодий ислохотлар, ижтимоий узгаришлар босқичи бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси 1998 йилга 120 нафарга яқин юз ешдан ошган отахон ҳамда онахонлари билан қадим қўймоқда. Демак биз азалдан илгирлик туқ, томирлари қақувват элга фарзандимиз, алломишлар, гуруғдилар, ойбарчинлар, гулзийлар авлодимиз!

1997 йил менинг ҳаётимда нури саҳифа бўлиб қолмоқда. Истиқлолимизнинг олти йиллиги муносабати билан менга, одий бир қорақалпоқ аслига «Ўзбекистон Қаҳрамони» уловни берилди. Қомусимиз байрами арафасида қаҳрамонлик нишонини муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг муборак қўлидан олиш бахтига мушарраф бўлдим. Олий унвон, олтин нишон учун Юртбошимизга, ҳукуратимизга миннатдорчилик сузлари ҳам айтдим. Табиийки, ута ҳаёжонланганим, тўқилганим кетганим учун дилимдаги барча гапларни равои фойдалай олмам. Олий нишонини олаётганимда энг аввало ота-онам, элим ва халқим ҳақида уйладим. Танҳо дарахт бог бўлмаганидек инсон ўз бахтини юрти, ватани билан уйғунликда тошади. Бизнинг улуг шоиримиз Ажипнинг «Бу дуненинг кулки одам боласи» деган буюк сатрири эзиб кетган. Инсон ушбу оламнинг чиройи, ҳусни, курки, зеб-зийнати бўлиши учун у тутилган, у яшаётган Ватан овоз, обод, мукаммал бўлмоғи керак. Бизга ана шундай хур Ватанда яшаш бахти насиб этган экан, биринчи навбатда кириб келаётган янги йил мустақил мамлакатимизга муборак бўлсин, унинг ҳар бир вилоятига, ҳар бир шаҳрига, ҳар бир туманига, ҳар бир маҳалласига, ҳар бир хонадонига

чинкакам саодат, мул ризқ-руз, шодлик, тўйлару тантаналар келтирсин! Элу юртдан сунг янги йил байрами билан меҳрибон онажонимни қўлагим келди. У раҳматлик отам билан бешиқдан бошлаб бизни инсон қилиб тарбиялади, ҳамон олтиндан қиммат сузлари, қайноқ меҳри билан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Онамга, сеvimли Ўзбекистонимиз, қадрдон Қорақалпоғистонимиздаги барча онахонларга байрам кутлуг бўлсин. Улар юз ешга кириб эл бахтига, фарзанд ҳамда неваралар, чеварлар камолини қуришсин!

Онажонлардан кейин кириб келаётган йил билан олис Чимбойдаги 2-сон урта мактаб аҳлини табриқлайман, сеvimли устозларимга, бир пайтлари мен утирган парталарда истиқлол дарсларини тинглаётган укаларимга бахту омад тилайман!

Мамлакатимизнинг муътабар газеталаридан бири орқали Андижон Тиббиёт институти жамоасини ҳам 1998 йил билан қўллаб, менга касбу корим сир-асрорларини, назарий асосларини ургатган ҳокисор мураббийларимга шогирдлик эҳтиромимиз издор этмоқчиман. Иншоолло, мактаблару маърифат масканлари, касб ва олий таълим даргоҳлари ипни янада яхшилашгай. Чунки мамлакат тараққиети билан боғлиқ, барча масалалар қатори бу соҳа ҳам ҳурматли Президентимиз, парламентимиз, ҳукуратимиз эътиборида турибди!

Газета саҳифасидан фойдаланиб Шумоной туман марказий касалхонаси жамоасига энг самимий тилақларимни йўлламоқчиман. Шифокор сифатидаги тетапоя қадамларимни шу ерда қўйдим, шу жамоада тобланим, тажриба тушладим. Мазкур шифо масканидан утирма бўлиб, бир қанча эътиборли лавозимларда ишладим, шу кунгача 1800 талан ортик мураккаб операцияларни бажардим. Қолаверса, бир неча йилдан буен ишлаётган жамоам — Нукус шаҳар 1-туғруқхонасининг




гинекология бўлими шифокорлари, ҳамширалари, бу ерда дардига даво топаётган аёлларни ҳам янги йил билан қизғин муборакбод этаман!

Юртбошимиз кириб келаётган йилни Оила йили деб эълон қилдилар. Уттан йиллардан бири Ёкутистон — Саха Республикасида Ёшлар, яна қайси бир жойда Оналар йили деб эълон қилинганини эшитган эдик. Оила йилида эса еш ҳам, қари ҳам эъозу эътиборда бўлади.

Инсон бахтли бўлиши учун унинг Ватани тинч, Оиласи тотув бўлмоғи лозим. Ана шу бахт эгаси эканимдан ифтихор қиламан. Шу кунгача нимагаки эришган бўлсам турмуш уртоғим Курбобой, угиларим Шодлик, Рустам, Шарофат, Жалгазарнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли қўлга киритдим. Курбобой Андижон Пахтачилик институтида эгаллаган ихтисоси буйича ишлаб келмоқда. Катта уғлимиз Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Техника дорилфунуниши, иккинчиси Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат дорилфунунини битирди. Хеч нарсдан камчилигимиз йўқ.

Мустақил мамлакатимиздаги барча хонадонларда байрам дастурхонлари эзилади. Ана шу дастурхонларга ҳазрати леҳқон, захматкаш чорвалор, богбону балиқчи меҳнатининг самараси бўлган ноз-неъматлар қўйлади. Мен барча қишлоқ хужалиги ходимлари, бутун халқимизни байрам билан табриқлаб, келаётган йилда оқар сув сероб, ҳосил мул, даромад мумай бўлсин. 1998 йил мамлакатимиз аҳлига бир олам бахт, қувонч, тукинчилик, эзгу орзуларимиз рубини олиб келсин, дейман!



Муборак Рўзан Рамазон кунларида, Янги йил арафасида халқимиз дастурхонига мул-қул нози-неъматлар етказиб беришга, эл дуосини олишга нима етсин? Буни қилдан чуқур ҳис этган мамлакатимиз бободехқонлари қиш ойлари бўлишига қарамай фидокорона меҳнат қилиб, мул маҳсулотлар етказиб беришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Мухтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг ташаббуслари билан 1998 йил — Оила йили, деб эълон қилингани бизнинг қўнғимиздаги аини муддаодир, — дейди Тошкент туманидаги Ғ. Умаров номи жамоа хўжалигининг оилавий пудратчиси Рихсвий Каримбеков. — Биз ҳам келаётган янги йилда оиламиз аъзолари билан ҳар қачонгидан кўпроқ, сифатлироқ ва арзонроқ деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун ғайрати қиламиз. Фарзандларим Зухриддин, Баҳодир ва турмуш уртоғим Махфузахонлар билан унумли ишлаб нафақат мул маҳсулот етиштирамиз, балки мўмай даромад ҳам оламиз.

СУРАТЛАРДА: 1. Оилавий пудратчилар (чапдан иккинчи) Рихсвий Каримбеков фарзандлари Баҳодир, турмуш уртоғи Махфуза она ва Зухриддинлар билан етиштирилган маҳсулот сифати хусусида суҳбатлашмоқда. 2. Жўнатишга тайёр помидорлар. 3. Сурхондарё вилоятидаги К. Тўлақов номи жамоа хўжалигининг деҳқони Мухиддин Исқандаров ўзи етиштирган қарам ҳосилдан мамнун.

Н. МУХАММАДЖОНОВ ва Э. ХУҲАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

БУНЁДКОРЛИК СОЛНОМАСИ

- * Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида 1374 та жамоа, 99 та ижара хўжалиги, 51 та акционерлик жамияти, 20 мингдан ортик мустақил фермер хўжаликлари, 526 та шахсий чорвачилик фермаси ва 3 миллионга яқин шахсий томорқа хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.
- * Республика ер фондини ривожлантириш ва қўлайтиришга, ерининг ҳосилдорлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳар йили 15-25 минг гектар янги сўғориладиган ерлар ўзлаштирилди ва 40-50 минг гектар аввалдан фойдаланиб келинган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.
- * Қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланди. Бу йил ҳам самарали бўлди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми уттан йил даражасидан 7 фоз ортик бўлиши кўтилмоқда.
- * Мураккаб об-ҳаво шароити, қайта экишга мажбур бўлиганига қарамасдан, бу йил қарийб 3,7 миллион тонна пахта хом ашёси, 2,9 миллион тонна галла, шу жумладан 2,7 миллион тонна бугдой ҳосили тайёрланди.
- * Қишлоқ хўжалик қорхоналарини мулк пайчидлиги асосида қайта ташкил этиш қандайдир мавҳум назарий кўриниш эмас. Ишнинг бу шакли 26 та хўжаликда синовдан ўтказилди ҳамда ўзининг афзаллигини намойён қилди.
- * Мамлакатда машинасозлик ҳам яхши ривож топган. Ўзбеклар пахта териш ва қайта ишлашга ихтисослашган кенг турдаги қишлоқ хўжалик машиналарининг эмас, ўз автомобиллари ва самолётларини ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Машинасозлик маҳсулотлари экспорт қилинмоқда.
- * Автомобиль ва авиотранспорт мамлакатда одатий ҳисобланади. Эрон худуди орқали Осиё ва Европани боғловчи темир йўл ўтган. Ўзбекистон темир йўллариининг узунлиги 3655 километрини ташкил қилади. Мамлакатни узунлиги 4000 километр бўлган 9 та йирик газ узатиш линиялари кесиб ўтган. Газ билан Ўзбекистон шунчалик таъминланганки, уни экспорт ҳам қилмоқда. Бу нарсанефитга ҳам тааллуқлидир. Олтин захиралари буйича Ўзбекистон дунёда тўртинчи ўринда, уни қазиб олиш буйича эса еттинчи ўрини эгаллайди. Мамлакат мис ишлаб чиқариш буйича жаҳонда ўнинчи-ўн биринчи ўринда, уран буйича эса еттинчи-саккизинчи ўринда турлади.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Андижонда халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, бошқарма бошлиқлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.


Сессияда вилоят ҳокими К. Обидовнинг халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида амалга ошириладиган ишлар ва Олий Мажлис сессиясида Президент Ислон Каримовнинг сузлаганини тўғрисида муҳокамаланиб, маълумотлар берилди.

Маълумотлар ва сузга чиққанлар таъкидлаганидек, вилоятда 1997 йилда мулкчиликнинг барча шаклларидаги қорхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 176,1 фоз, шу жумладан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 180 фоз ортди. Якунида вилоятнинг 11 ойи давомида қўшма қорхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми қарийб 34,5 миллиард сумга етди.

Бу йил вилоят қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта натижаларни қўлга киритди. 110 минг гектар пахта майдонининг 70 минг гектарига чипит шайба остига экилиб, 330 минг тоннадан зиёд еки гектаридан 30 центнердан пахта етиштирилди ва мазкур усулнинг афзалликлари яна бир бор исботланди.

Вилоят иқтисодийнинг мустаҳкамлашга галлакорлар ҳам муносиб ҳисса қўлди. Галла экилган қарийб 70 минг гектар ерининг ҳар гектаридан 64,7 центнердан, жами 447 минг тоннадан зиёд ҳосил йиғиштирилди. Республика хўжаликларида 200 минг тонна сара уруклик дон етказиб берилди.

Шу билан бирга айрим хўжаликларда мавжуд имкониятлардан тулиқ фойдаланилмади. Жорий йилда Улуттор, Бўз туманларидаги 10 та хўжалик пахта тайерлаш, Бўз, Пахтабол, Шаҳрихон туманларидаги 18 та хўжалик эса давлатта уруклик дон етказиш режасини бажармади. (ЎЗА).



Ўзбекистон Республикаси ўзининг буюк келажак сари собит қадамлар билан илдам олинмоқда. Йил сайин ишга тушириладиган ушбу йирик ишхоналар, қорхоналарда халқимизнинг темир йолдаси, теран фикри, ақл-заковати, бунёдкорлик қудрати акс этиб турибди. Суратларда: 1997 — Инсон мафлаатлари йилида ишга туширилган қўллаб-қўйишлардаги самуналар. 1. Пойтахт шаҳар Тошкент бағрида фойдаланишга топширилган Юнусобод темир йолдаси. 2. Бухоро вилоятидаги Қоровулзор нефтни қайта ишлаш заводи. Бу ерда ҳар йили жуда кўп миқдорда газ конденсати қайта ишланади. Унда эса шу қорхона ипчи-хизматчиларига атаб қўрилган турар жой бинолари.

Р. ШАҒАЕВ олган суратлар. (ЎЗА).



Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустақкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустақкам бўлсагина давлатда оқошталлик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Бу сўзлар бугун тилларимизда такрор ва такрор айрилиб, дилларимизда аке садо бермоқда. Биз улуг ишлар, улуг мақсадлар сари бормоқдамиз. «Оила йили» бизга янги-янги имкониятлар яратмоқда. Айни вақтда, яхши тушунарлик, ҳар қанча иқтисодий жиҳатдан бақувват, миқдор жиҳатдан кўпчиликни ташкил этмасин, оила барибир якка ўзи яшай олмайди. Унинг борлиги ва эришадиган бахт-саодати ҳамisha жамият билан бевосита боғлиқдир.

Биз қадим маъно — Оққўрғон туманида бўлганимизда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик.



Ҳар кимга қўша қариш насиб этсин

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Абдуғани ДЕҲҚОНБОЕВ,
туман ҳокими

Давр шиддат билан ўзгариб бормоқда. Ун йиллар муқаддам ҳаётга келмаган, ҳаётга келтиришга юраклар дов бермаган воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда.

Истиқлол экинчи туйғайил жаҳон бўйлаб қадри ва эътибори мамлакат мақомига эришди. Қўлаб нуфузли ҳалқаро ташкилотларнинг эшиклари очилди, турли олиймақом анжуманларнинг пуриятат иштирокчисига айланди.

Бу ҳурмат замири чуғ ва шубҳасиз, бесабаб эмас. Юртбошимиз ташаббуси ва кенг омманинг қўллаб-қувватлаши билан бошланган туб ислохотлар самараси улуроқ Ўзбекистон ҳар жиҳатдан: ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам маърифий жаҳаларда салмоқли натижаларни қўлга киритяпти, ва ладил айтиш мумкинки, улкан ютуқлар учун мустақкам замин яратилди. Энг муҳими, бу замин ҳам молиявий, ҳам руҳий асосга эга эканлигини ҳис қила бошладик. Мухтарам Президентимизнинг 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилган тақдирини давлатимиз олиб бораётган изчил сиёсатнинг навбатдаги муҳим босқичи деб қарамоқ жоиз.

Бинобарин, Инсон манфаатлари йили шахслар хоҳиш-иродасини ифодалаган бўлса, Оила йили янада каттароқ мақсадларга хизмат қилажақ. Шу тарихда жамият манфаатлари, деб аталмиш улуг қадриятлар томон қадамба-қадам бораверамиз. Буга буюди. Чунки инсон, оила ва жамият тақдирини туташди. Биз буни Оққўрғон тумани мисолида яққол куриб туриб экамиз. Одамлар эртанги кунга қомил ишонч билан яшамоқдалар, фарзанд тарбияламоқдалар, меҳнат қилмоқдалар. Худди шу ишонч егдуси эшик қокмоққа бошлаган Янги йилнинг ҳам нурга чулғамоқда. Ваҳоланки, 1997 йилда биз кўп синовларни бошдан кечирдик. 2 майдан 3 майга утар кечаси ҳануз оққўрғонликлар едилда. Дул, жала ва довул нафақат уларнинг томини қўлиб кетди, шунингдек, белла уруш қолган галла гуза ниҳолларидан ҳам ном-нишон қолдирмади. Мен шунда қурдим, инсон иродаси нақадар кучли бўлишини! Инсон манфаатлари, деган тушунча таъмин шунда ҳис этдим. Узаро оқибат қандай бўлишини ун қўшдан билан қурдим. Давлатимиз томонидан зулик билан қуратилган ердан, қолаверса, халқинан

мизнинг мародонавор меҳнати зое кетмади. Қисқа вақт ичида хонадонлар ҳам, дала ҳам яна файз-тароват касб этди.

Оилалар бақамти, ҳосил мул бўлди. Гарчанд охири чигит 7 июнда қадалан бўлса-да, 13 хужалиқдан 6 таси режани бажарди.

Одамлар зийрак, уларнинг назаридан ҳеч нарса қочиб кутилмайди: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам. Бу аслида Истиқлол шарофати, ўз эркимиз узимизда эканлигининг еркин ифодаси. Бош мақсад инсон манфаатлари эканлигидир.

Утган йили қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Вилоятда энг катта деҳқон бозорларидан бири ай-

ни яна эслатгандек. Биз шу кунларда юртбошимизнинг биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси унингчи сессиясида сузлаган нутқи таъсирида яшамоқдамиз. Мухтарам Президентимиз зиммасизга улкан ва бажарилиши юрт ҳамда оилаларимиз фаровонлигига хизмат қилувчи вазифаларни юқлади. Биз албатта, бу вазифаларнинг уaldasин чиқамиз. Чунки, давлат раҳбаримиз айтмоқчи, «Иродаси бақувват, иймон-эътиқоди бутун, узининг кучи ва эртанги кунига ишонган одамлар билан ҳар қандай оғир муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги шубҳасиздир».



«Қайнонам — онам менинг», «Аёл ва замон», «Жанжалли оилалар омад кетди», «Офарин, келин!» Туман хотин-қизлар кўмитаси дастурида бундай тадбирлар кўп. Бунинг натижасида оилалар тобора мустақкамланиб бормоқда.


Оққўрғон туманида фойдаланишга тоширилди. Машина дукони ишта тушди. Ҳозир УЭДЭУ автомобилларига туманлараро техника хизмати курсатил шубҳасиз битиш арафасида. Янги автовокзал қурилиши бошлаб юборилди. Туман марказида қурилган замонавий тез ердан пункт ва Оққўрғон тумани номили деҳқон-фермер уюшмасида очилган қишлоқ шифокорлик пункти аҳоли саломатлиги муҳофазасида 300 урилиш умумий овқатланиш корхонаси 44 кунда, барча кулайликларга эга булган гастроном эса 15 кунда бунёд этилди.

Ривоят қилишларича, энг биринчи тарозидан Айюб Пайгамбар фойдаланган эканлар. Илк тортилган нарса нима эканлигини билмадимку, бутун биз яшаётган юртда тарозининг бир налласига Истиқлол, иккинчисига эса меҳр-мурувват, инсонийлик ва келажакка умид каби олижаноб туйғулар қуйилган. Дарҳақиқат, Инсон манфаатлари ва Оила йилининг изма-из келишида ҳам узига хос маъжозийлик бор. Бу бизга эзгулик ёлғиз тутилмаслиги ва ёлғиз юрмаслигини

Янги тараққиёт доволаридан олиб утиб, мутараққий давлатлар сафидан муносиб урин эгалламоқ ислохотларга булган муносабатларимизда кескин ўзгартиш кешини, Оила йили деб аталмиш йилда амалга оширилажақ ишларимиз қудамини янада кенгайтирмоқни тақозо этмоқда. Бу йўналишда, Оққўрғонда дастлабки ишларга қўла турилди. 1998 йилдан эътиборан туманда барча экин майдонлари оилаларга пудрат асосида бириктириб қўйилди. Шартномада оилалар ердан ун йил мобайнида фойдаланиш ҳуқуқига эга эканликларини езиб қўйилган. Бу лемакки, оилаларнинг эркин меҳнат қилиш ҳуқуқи кенгайтирилди. Янги вақтда бугун таъминот, шунингдек, техник сервис хизмати хужалик зиммасидадир.

Оила — жамият таянчи. Бас, шундай экан, бу таянч бақувват ва таъбир жоиз бўлса, илдиги туқ бўлмоги даркор. Зеро, 1998 йилдан умидимиз катта. У бизни эзгу манзилларга элтишига ишонамиз.

ОИЛА— ҲАЁТ АБАДИЙЛИГИ, АВЛОДЛАР ДАВОМИЙЛИГИ



«Қайнонам — онам менинг», «Аёл ва замон», «Жанжалли оилалар омад кетди», «Офарин, келин!» Туман хотин-қизлар кўмитаси дастурида бундай тадбирлар кўп. Бунинг натижасида оилалар тобора мустақкамланиб бормоқда.

ОҚСОҚОЛЛАР РИЗОСИ

Бойдулла ДАВЛАТОВ,
туман ҳиссасдорлик матлубот жамияти бошқаруви раиси

Кексалар бир гапни кўп таъкидлайдилар: «Болам, беш қул баравар эмас. Аммо узун экан деб узунини, қалта экан деб қалтасини кесиб ташламайдилар. Имкон борича, бешаловини тенг қур». Ешимиз улғайиб, яхши-ёмонни фарқлай бошлаганимиз сайин бу ўғит маъносини теранроқ қақадиган бўдим. Дарҳақиқат, дунёдан яхшилик қолади.

Ҳар бир хужалик марказида, ҳар бир қишлоқда дуконларимиз бор. Улардан Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгилаб қўйилган 8 турдаги маҳсулотни ҳар доим топиш мумкин. Айни вақтда харидорларимизни мамнун этган бир тажрибани тадбиқ этганмиз. Бизда ҳар бир сотувчи дукон жойлашган ҳудуд мутасаддилари, яъни маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари розилиги, оқ фотиҳаси билан ишта қўйилади. Ишдан олинаётганида ҳам шундай. Бу ортиқча гап-сузларга барҳам бермоқда, самимият умум ишимизга ҳам баракка киритмоқда.

1997 йилда маҳаллаларда 26 та дукон очилди, 40 тага яқин дукон таъмирланди. Умумий овқатланиш корхонаси қайта тикланди. Бу саъй-ҳаракатларимизнинг самараси бўлса керак, мол айланмаси 1996 йилга нисбатан 2,5 бараварга ортди. Бундан ташқари, «Кока-кола» фирмаси ва «Самсунг» компанияси билан тузилган шартномамиз ҳам аҳолини мамнун этмоқда.

Яқинда ҳодимларимни йиғиб, туманимиздаги мактаб-интернатга ночор болаларга Янги йилда пойабзал олиб бермаймизми, деб савол ташладим. Бажонидил рози бўлишди.

Энг яхши муаллим — ҳаёт. Унинг умид-насихатларига қудок солган одам асло кам бўлмайди. Саховатга лойиқ бўлиш эса биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

наб ишлайдиган муаллимлар йул паттасидан ҳавотирланмасалар ҳам булади, хужалик тегишли ташкилотларга пул утказиб қўйилган. Аҳоли ва жамоат ишларида уринк булган укувчилар хужалик бошқарув томонидан таъсис этилган стипендия оладилар. Шу хужалиқдан бориб олиш укув юртларига ўқитилган талабалар ҳам толиқмайдилар. Рансининг ўзи фаолларига бош бўлиб уларнинг ҳолидан хабар олиб туради.

Уйлаб қарасам, отахонга эртаниб ёмон бўлмабимиз. 36 гектар ердан 31 центнердан оқ оғтин кутардик. Даромат ҳам шунга яраша бўлди. Фермер хужалигимизга аъзо булган 12 киши сунгги ҳисоб-китобларни қилиямиз. Насиб этса, ҳар бир киши мумай даромадга эга булади: қозон ҳам, чумиқ ҳам мой.

Шукр, оиламиз туқ, дастурхонимиз туқин. Унча-мунча орзу-хавас қилишга ҳам қурбоний етди. Энг муҳими, келгуси йилда умидимиз янада катта. Оила йили чиги билан оилаларимизга бахт-иқбол олиб келмоқда.

БИР ЛАҲЗА МАЗМУНИ

Ҳалимжон ОБИДОВ,
туман ички ишлар бўлими жиноятнинг олдини олиш бўлимика катта нозир

Ҳаёт муқофотидан ҳеч кимни дариг тутмайди. Бу ҳолатни нурунийларимиз «ҳар ким экканини уради» деб ҳаққоний баҳолашади.

Туманимизда хусусан, усмирлар уртасида жиноятлар нисбатан камайди. Яхши томонга ўзгарди... Кунгилга таскин берувчи бу иборалар ҳар қанча эскимли эшитилмасин, битта бўлса ҳам жиноят барибир, жиноятдир. Шу биргина жиноят замрида неча-неча кишиларнинг нотинчилиги, изтиробу укувчилари, ғам-ташвишлари етиши мумкин. Бирники мингта, мингники туманга, деб бежиз айтишмайди. Юз берган қичкина дилхираллик бутун бу оиланинг юзини ерта қаратади, маҳалла еки қишлоққа иснод келтиради, охиаста кечаётган ҳаёт оқимини излан чиқаради.

Ота-оналар бир гапни кўп такрорлашади: «Улгим ўзи яхши, шу кучадаги болаларга қўшилди-ю, бузилиб кетди...» Ҳеч ким узига савол бермайдики, кучадаги болалар қаққдан пайдо бўлди, деб. Улар ҳам кимнингдир фарзанди, қайсидир оиланинг меvasи. Демакки, бу ерда гап кучада эмас, аввало оилаларда. Оилада тарбиявий ишларнинг улда-жулдалиги, яна ҳам аниқроғи, ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида нафақат жисмоний, балки маънавий-ақлий жиҳатдан ҳам «суяги қотман» болалар узига ўхшаш усмирлар билан теъда тил топишиб оладилар. Қаровсиз ва назоратсиз қолган болалар билан жиноят уртаси эса бир қадим. Бу қадим исталган пайтда, кўп ҳолларда ота-она ҳеч кутмаган лаҳзада ташланиши мумкин.

Шунинг учун биз фарзандлари тарбияси билан шуғулланмай қўйган ота-оналарни эътибордан қочирмасликка ҳаракат қиламиз. Утган йили шу сабабга кура 17 ота-онига ўз эътирозимизни расман билдирган эдик. Бу йил ундайлар камайди. Лекин хотиржам бўлишга ҳеч бир асос йўқ. Биламизки, баъзи хонадонларда болалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, озгина эътиборсизлик у еки бу турдаги жиноят содир этилишига олиб келади.

Жиноятчиликка қарши курашга энг мақбул йул, бу унинг олдини олиш, ёмонликка олиб борувчи омиллари бартараф этилишидир. Маҳаллалар ва мактабларда суд, прокуратура ва қўлаб жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда мунтазам равишда амалга оширилаётган тадбирлардан кузатилган мақсад ҳам шу. Меҳнат биржаси билан узвий алоқамиз. Ҳокимият қўшида эса ижтимоий мослашув маркази ишлаб турибди. У еки бу жиноят содир этиб, муддатини утаб қайтган кишилар туғри шу марказга учрашадилар. Бу ерда нафақат ҳисобга қўйилади, энг муҳими, оёққа туриб олишлари учун қумак ҳам қурсатилади. Инсоний муносабат охир-оқибатда ўз самарасини бераётди. Уларнинг аксарияти жиноятчилик оламидан бутунлай юз ўгирмоқдалар, оилага қайтиб, тинч-хотиржам яшашини маъқул тоимоқдалар. Оиласини севган ва оила аъзоларининг ҳам узига нисбатан меҳр-муҳаббатини ҳис қилган одам ҳеч қачон жиноятга қўл урмайди, йулдан озмайди. Бу ҳақиқат тушуниб етилган ва тан олинган жойда болалар тинч ухлайди ва яхши кайфият билан уйғонади.

Савобга қўл уриш... Оилаларимизда болалар тили чиқинчи билан «ота», «она», «асалом» деган сўзлар ортидан «савоб» каломини қалбига го қилади. Ота-онаси қилган, маҳаллада қўйда қўрган савобнинг нақадар олижаноб ҳислат эканлигини ҳис қилиб улағайди. «Наврўз» хайрия жамғармаси фаолияти ҳам савобдан иборатдир. Етим-есирлар, туғма ногиронлар, кам даромадли оилалар, қаровчисини йўқотган қариялар, байналмилалчи жангчилар, қисқаси, муҳтожларга қўлимиздан келганча ёрдам қилиб келмоқдамиз. Кунгил кўнгилдан сувичади. Бир оғиз ширин сўз, кичик бир совға қўнгилларини инсонга қаноат бахш этиши мумкин. Энг муҳими, бу эътибор мавжудлиги.

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР

Малика ТУРДИБОЕВА,
«Наврўз» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси

Биз шу пайтгача Людвиг ван Бетховен қар бўла туриб аёбий-аёбий қўйлар яратганидан ҳайратга тушамиз. Энди мулоҳаза қилиб қўринг: агар композиторга эътибор бўлмаганда у шундай шоҳ асарлар яратган олармиди?

Ҳуд ўзбек ҳайкалтарош, юртодшимиз Қосим Мирзазаҳидовнинг матонат таъмирида эртанги кунга ишонч, эътибордан миннатдорлиги ётганлигини ким инкор этади. Ахир, унинг миҳлиган қўли уч бармоқ билангина гўзал ҳайкаллар ясаш осонми?

Ҳар бир вужуд эгасида пинҳоний истеъод бўлади. Фақат уни илаш ва рағбатлантириш лозим. Туманимиздаги 78-мактаб-интернатга ҳар келганимда шуларни уйлайман. Тақдир тақозоси билан шу масканда кўним топган маъсум чехраларга қараб балки турган иқтидор намуналарини кўргандек бўламан.

Ҳар сафар шундай ваъдаларга лўч келганда арзиман сабаблар билан оилани барбод этаётган, фарзандларини тирик етим қилаётган ота-оналарга ҳайқиргим келади: оилага қайтинг! Оилани мустақкамланг, кейин аттанг деб юрманг! Афесуки, тўрт мучаси соғ бўла туриб кўр ва қар қотган кишлар ҳам бор. Мен худдан инсоф сурайман, зора «Оила йили»да уларнинг кўзлари очилса»

КЕЛИНЛАРИМ ҚАРҚАРА

Суймаҳол ШЕРНОЗОВА,
Ҳамид Олимжон номили жамоа хўжалиғи фахрийси

Юртбошимиз баракка топсинлар, биз аёлларни осмонга қутардилар. Уғилларим, келинларим ва навараларим даврасида утириб, ойнаи жаҳонда таралаётган сузалар тўе менига қарата айтаётгандек, тулқинландим: «Оила ҳақида сўз юритар эканмиз, - дейдилар юртбошимиз, - аввало куз унгимизда она сиймоси шаклланди. Нима деганда оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омила-она, аҳли аелининг покизаалиги, меҳру муруввати, салоқати ва вафодорлиғидир».

Нимасини айтасиз, оила мустақкамлиги, ёмон гапларнинг остона хатлаб чиқмаслиги, ругор халтасининг баракаси авваломбор оила бекалари — оналарга боғлиқ. Ешимиз улғайиб, келин-қуёли булганганимиздан кейин буни яна ҳам чуқурроқ аниқлар экансиз. Хулоса шунки, туртта келинм бор. Бир-биридан добар, бири-биридан пазанда. Узаро аҳиллигини айтмайсизми? Туриб-туриб балъан билдириб-билдирмай исприқ тутатиб қўяман, илозе, ишқилиб кўз тегмасин, деб. Ҳар нечук қизимлек яхши қўраман ҳаммаларини.

Уғилларимнинг гоз юриши ҳам ана шу келинларим туйғайил, деб уйлайман гоҳи. Рост-да, баъзи оилалар бор, кунда уруш-жанжал. Тагини суриштирсангиз гап арзиманган боҳона билан бошланганлигини эшитасиз. Ана шунча пайтда оила каттаси босиқ бўлса, тарафқашлик қилмас, оилам-гулистон. Олов гутурт қачилган жойингиз унда учайди.

Истайманики, Оила йили деб аталимиз йилда келинлар қарқара бўлсин, аммо маҳара бўлмасин, ҳеч кимнинг хонадонидан «иш» деган норозилик эшитилмасин.

СИЗГА БАХТ ТИЛАЙМАН

Манхура НОРҚУЛОВА,
Навоий номили жамоа хўжалиғи аъзоси

Никоҳ баъзи давом этавтипти, мени ҳар хил ваҳимали ҳаёллар елкамдан босади. «Қандай буларкин, ўз қизларидек қабул қилишармикин еки...» Йўқ, бекорта хавотирга тушган эканман. Қайнонам тилда аёл. Билмаганимни ургатиб, билганимни қўлаб мактаб, айланб-урғилдиб сал кунда уларига ийдириб олдилар, ушбу хонадон тарбиясини олган етти фарзанднинг бирортаси туғрисида кучадан ёмон гап эшитмайсиз. Аксинча, маслаҳат сураб, кенгаш истаб го ху қўшни, гоҳ, бу кўшни «хов Тилов ака» еки «хой Хурсаной эғачи, шу ердамисиз» дея эшик тақиллатиб келишади. Гоҳ қайтанам, гоҳ қайнонам тарбия туғрисида мулоҳаза билдириб қолшади.

— Тарбия савияли бўлиши керак, — дейишади улар. — Киши бировга таъиб беришдан олдин ўз-ўзини саволга тутиш лозим: Мен узим тарбияланганими? Тарбия ҳақида сўз очиниша ҳаққиманми? Айтаётганимга узим амал қилганими? Ана шу саволларга жавоб топибгина, бошқаларнинг дил қулфини очиб мумкин...

Қайнонам-онам, қайнотам-отам. Уларни ҳурмат қиламан. Уларни эслатишмасам, гоҳо ўз тугилиб улғайган уйимга бориш эсимга келмайди. Шуларни гапирсам, дугонларим «бу бахт» дейишади. Бошқаларга ҳам шундай бахт тилайман.

Саҳифани Зайниддин РИХСИЕВ тайёрлади.

ОРЗУЛИ ДУНЁ

Бакир ИСРОИЛОВ,
«Гузал» фермер хўжалиғи раҳбари

Туманимизда Эргап Нисов деган отахон борлар. Қўлаб хужалиқларда раҳбарлик қилганлар. Етти йилдирки, «Ўзбекистон» жамоа хужалиғи раиси. Ҳамма шу кишини маълаҳат сурайди, «отахон» деб эълозлайди.

Бозор муносабатлари қўлаб ман-ман деган машҳур хужалиқларнинг белини сиқирди. Аммо — «Ўзбекистон» жамоа хужалиғида аҳвол яхшиланиш-са-яхшиланиши, орқалга кетмади. Бу хужалиқда ругор таъиниш-ишда юрган одамни қурмайсиз. Егмиди, унмиди, ҳамма нарса мумки. Биз ешлар қўлабча қизикиб отахонни суҳбатга тортганимиз. Нега сизларда бундоғу, бош-

қаларда ундоқ, деб. Отахон қудлаи ва мақол айтди: «Унда фароғати йўқининг кучида халовати бўлмайди».

Чиндан ҳам кўп хужалиқлар «Ўзбекистон»га ҳавасланишади. 3 та мактаб бийойидек ишлаб турибди. Яқинда 36-мактаб янги бинога қўчиб ўтди. Уқитувчилар аллада азиз. Узоқдан қат-

тар ердан 31 центнердан оқ оғтин кутардик. Даромат ҳам шунга яраша бўлди. Фермер хужалигимизга аъзо булган 12 киши сунгги ҳисоб-китобларни қилиямиз. Насиб этса, ҳар бир киши мумай даромадга эга булади: қозон ҳам, чумиқ ҳам мой.

Шукр, оиламиз туқ, дастурхонимиз туқин. Унча-мунча орзу-хавас қилишга ҳам қурбоний етди. Энг муҳими, келгуси йилда умидимиз янада катта. Оила йили чиги билан оилаларимизга бахт-иқбол олиб келмоқда.



ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

Бимсиллоҳир роҳманир раҳим.

Ислоҳ оламида Рамазон шариф муборак ойлардан бири ҳисобланади. Негаки, худди шу ойда бутун оламни ҳидоят йўлига етакловчи Қуръони Карим нозил бўлган.

Ҳақ субҳонаху ва таоло Қуръони Каримда айтгани: «Эй, иймон келтирганлар, сиздан аввалгиларга фарз қилинган каби, сизга ҳам руза тутиш фарз қилинди, шунда ёмонликдан ҳимоя қилинурсиз». Бундан қуринадики, руза инсонни камолотга етказиши. Рамазон ойида ҳар бир рузалор узини ёмон ишлар, гуноҳ ва жиноятлардан тиймас экан, рузаси ҳисобга ўтмайди.

Руза тутиш эс-ҳуши бутун, балоғат ешига етган ҳар бир мусулмонга фарз қилинган.

Ҳали шарифда муборак Рамазон ойи ҳақида: «Бу умматим оёи, бунда юз берган гуноҳлар кеҳирилади», дейилган. Қуръони Каримда эса: «Руза санокли кунлардан иборатдир... Ру-

за тутишга қийналганлар бир йўқил қорини туйғизар даражада ҳаққини берур. Ҳар ким чин кунгидан бирор яхшилик қилса, унинг учун янада хайрли бўлади. Билиб қуйинг, руза тутиш сиз учун хайрли бир ишдир», дейилган.

Рамазон шарифдаги руза

хасталикка қарши кураш қобилияти ортади ва ҳоказо. Пайгамбаримиз шундай деб марҳамат қилганлар: «Руза тутишнинг, саломат бўласиз» ва «Ҳар бир нарсанинг зақоти (поқловчиси) бор. Очлик — жасадни зақоти — поқловчиси» деган сузларининг тас-

таликлар келиб чиқали.

Сахарликда енгил, туйимли, қувватни оширишда ердан берилган таомлар истеъмол қилганлари маъқул. Жумладан, шакар ҳамла енгил илтиқ сув, 2 хил ҳул мева, 2 хил сазавот еки шифобахш шараблардан истеъмол қилиб туриш тавсия этилади.

Ифторлик таомлари ҳам кун буйи очликда бўлган ошқозон учун оғир бўлмаслиги лозим. Булар унчалик егилк бўлмаган суюқ овқатлар, сунди овқатлар (ширғуруч, ширхурпа) ҳул ва қуритилган мева-валардан иборатдир.

Агар юқорида айтилганларга амал қилиб руза тутилса, иншооллох, Рамазон ойидан кейин ҳам киши узида толиқини сезмайди. Аксинча, айрим хасталиклардан ҳам фориғ бўлади.

С. МУҲАММАДИЕВ, доцент.

ҲИДОЯТ ЙЎЛИ

ҳикматлари кун.

Ҳар 12 ойнинг бирида узлуксиз ишлаб турган овқат ҳазм қилиш аъзоларининг 12 соатдан ортиқ ишлардан тухтаб туриши маъносидати руза таъна (вужудга) фойда келтириши ва уни турли хасталиклардан сақлаши, табиий жиҳатдан фойда эканлиги исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқатдир. Бунга табиғат фани ҳам инкор қилмайди. Олим ва уламолар таъкидлашчи, вужуд бир ой давомида тубдан узарган бир таъминот тартибига мослашади ва

дигилир.

Муборак Рамазон ойида турли овқатларнинг саломатлик учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан рузалорларимизга қуйидаги маслаҳатларни эслашиб ўтамиз.

Айрим кишилар кун буйи очликда қолмаслик учун саҳарликда қовурилган ва егил, кучли таомлар истеъмол қилдилар. Бундай таомларнинг ҳазм бўлиши кийин кечеди. Шу боис, ошқозонда захарли моддалар қўлайиб, у қон таркибига ҳам таъсир этади. Натижанда ҳар турли хас-

Ҳар бир одам бир олам

ФУТУҲИЙНИ ТАНИЙСИЗМИ?

1991 йилнинг куз фасли эди. Тожиқ газетасида ишлайдиган дўстларимдан бири Хўжадод шаҳрида чоп этилган «Васиятномаи Муҳаммад Пайгамбар» номли муъжазгина рисола олиб келди. Рисола ўша йили наврози чўққан бўлиб, ҳали ўзбекча нусхаси йўқ экан.

Тавсияга қўра, мен рисолаи ўзбек тилига ўғирдим. «Жаноби Расулulloҳ васиятлари» номи билан «Нур» ижодий ишлаб чиқарувчи буюмларида нашр қилинадиган бўлди. Рисолага масъул муҳарририликка ва «Сўзбоши» ёзишга таниқли олим, диний арбоб Шамсиддинхон Бобохонов розилик билдиридилар. Сўхбат орасида у киши надар мўтабарлари муфти Заёвуддин Эшон Бобохонов ўли ҳақида сўз юртий, ул зотнинг шеърӣ таъблари ҳам бўлганлиги ва шеърлар битганликларини айтиб қолдилар. «Футухий» таҳаллуқи билан эътиборга лойиқ шеърлар ёзган эканлар.

Қуйида ўлида сўқилган бир муҳаммасни шу улуг айём арафасида Заёвуддин Бобохонов — Футухий ижодидан намуна сифатида келтираман.

Дилмурод Саййид, журналист.

ЭҲТИРОМ АЙЛАБ

Азизлар, келди менга кексалик ёни салом айлаб, Эгилдим тан бериб таъзим ила қаддимни лом айлаб, Юрурмен истироҳат боғида тун-кун мақом айлаб, Асо илкима, гул очгай нафасда эҳтиром айлаб, На хуш умрим ўтар буида гул узмоқни давом айлаб.

Шарафли кексалик даври ҳурматим билдим баланд этти.

Ҳамма катта-кичик эл қайда бўлсам ҳам писанд этти, Кексалик завқ шавқин лаззати комимни қанд этти, Сўзимнинг ҳислати захматқаш элни баҳраманд этти, Юрарман халқ ичинда ҳар маҳал ширин калом айлаб.

Улуг ёшга етурди тўғрилиқ ҳам сабру бардошим, Чимирмасман ёмону яхши сўзга мутлақо қошим, Тўлиқ етмишга етмиш уйласам меҳнат билан ёшим, Ташаккур қанча қилсам, шунча камдир мен эғиб бошим, Қилурмен яхши ният, яхши ишлар эҳтимом айлаб.

Ҳаётим ичра қасдан шўру шаррга бўлмадим мойил, Улуг халқ ўртасида бўлмасин деб ҳурматим зойил, Неча кулфат, мусибатлар бошимга тушди ою йил, Мусибатларни енгдим барча элни айлабон қойил, Ўзимни урмадим ҳар ёнга, юрдим интизом айлаб.

Кетибдур бир неча содиқ, қадрон ёру йўлдошим, Жаҳонда бора-бора қолмағай қавму қариндошим, Нетарман, ким бўлур ҳамсуҳбату ҳамкасбу тенгдошим, Томоғдан қайғу бир-ла ўтмайин оғзимдаги ошим, Паршонликда доим фикр этармен субху шом айлаб.

Неча дардлар ҳужум этса, кўнгуларни қилиб вайрон, Қаноат махрамим бўлди, ганимларни эғиб ҳайрон. Гуруру кири васфидин узок тутдим ўзини ҳар он, Футухий, назм айла, танангда токи бордир жон, Билурсен гар неча ёзган била бўлмас тамою айлаб!



Қорбобосиз Янги йил йилми?! Бугун барча музофотларда бўлган каби Сурхондарё вилояти бўйлаб қувнок, саҳни ва беғубор Қорбобо кезмоқда. Боғчалар, мактаблар, турли муассасаларда Янги йил тантаналари бўлиб ўтмоқда. Ҳамма ерда Қорбобо ҳозир нозир. Аммо бу галги таъриф қўлингиз учун қутлимдан воқеа бўлди. Азиз меҳмон эски Термиздаги гаройиб тарихий ёдгорлик — Ҳаким ат-Термизий меъморилик мажмуида бўлиб, сўнг Янги йил билан Ватанимиз чегараси нобонларини бориб табриклади, совға-саломлати улашди. Суратла: Қорбобо Ҳаким ат-Термизий меъморилик мажмуида. Искандар ХУҲАЕВ олган сурат.

Умрингизга умр қўшилсин

ҚИРОЛИЧА ҚУТЛОВИНИ ОЛГАНЛАР

Буюк Британиядаги ноҳор аҳволга тушиб қолган киборларга ердан курсатилиш уюшмаси ўзининг ташкил этилганлигига юз йил тулиши муносабати билан аср билан юзлашган кексаларнинг турмуш тарзи, феъл-атворини атрофда урганиб чиқди.

Маълум бўлишича, 20 аср бошларида мамлакатда юз ешдан ошганлар юзгага ҳам етмас экан. Эллиқ йилдан кейин уларнинг сони 271 кишидан иборат бўлган. Яна йигирма йилдан сунг бу курсаткич 1185 нафарни ташкил этган бўлса, 1991 йилги аҳоли руйхатида қараганда, узок умр соҳиблари 4400 дан кўпроқдир. Бугунги кунда эса уларнинг сафи саккиз минг кишига борди.

Рақамлардан қуришиб турибдики, юз йилдан ортиқ умр курувчилар Англияда муттасил қўлаймоқда. Албатта, бу биринчи навбатда яшаш шароитларининг яхшиланганлиги, давлат ҳар бир фуқарога имкон доирасида ердан курсатаётганлиги, ҳусуван, бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли равишда табиий ҳизматнинг амалда бекуп эканлиги ва бошқа омиллар натижасидир.

Айни чоқда куп нарса инсоннинг узига ҳам боғлиқ. Тадиқотларнинг курсатилишича, асрдан ошганларнинг аксарияти турисуз ва самимий бўлиб, турмуш қийинчиликларидан нолимасдан келажакка дадил ишонч билан қарашга одатланишган экан. Ҳатто бегоб бўлганда еки кексалик куч-қуввати заифлаштирган тақдирда ҳам ваҳимага тушмасдан вазиётдан чиқишга астойдил интилишаркан.

Яна бир жиҳат — узок умр соҳибларининг ишни мўмай даромад, бойлик орттириш воситаларидан бири деб эмас, балки қувонч, лаззат манбаси деб қарашларидир. Шу боис уларнинг кўпчилиги бутун ҳаёт йули давомида фойдали меҳнат билан банд бўлишган, баъзилари нафақага чиққач ҳам узок муддат иш фаолиятини давом эттиришган.

Гап-сўзла, ҳаёлан улар утмишини тилга олсалар-да, замона заили билан юзгага келатган узаришларга ишончсизлик билан муносабатда бўлишмайди. Аксинча, айрим қулайликлардан жуда мамнуңдирлар. Масалан, микротўқилиги тадиқотларни жуда фойдали санашиб ва уларни ишлатишни яхши билишади. Худди шундай барчаси ойнаи жаҳонни томоша қилишади ва ҳаммабоп курсатуларни ектиришади.

Ниҳоят, шунинг таъкидлаш жоизки, анъанага қўра юз ешдан ошганларга тутилган қувнари билан шахсан қиролчианинг узи табриқ йўлдайди. Бу ута юксак маданият белгиларидан биридир. Зеро, кексаларга муносабат азал-азалдан ҳар бир жамият, ҳар бир инсоннинг асл қиёфасини ошқор этувчи омиллардандир.

Муқаддас ҳадисларда баён этилишича, бир араб Ҳазрат Пайгамбаримиздан: «Мусулмонларнинг энг яхшиси кимдур?» деб сўраганида: «Ҳалол ишлаб, узок умр курганидур» дея жавоб қилган эканлар.

Нима бўлганда ҳам аср билан юзлашиш ҳар бир покдил инсонга насиб этсин!
Шермуҳаммад ЙЎЛДОШ ўғли.



«Кишлоқ ҳаёти»нинг навбатдаги сони 1998 йил 6 январда чиқади.

УЙ ВА КВАРТИРАЛАР СОТИЛАДИ

Тошкент шаҳар 2-Саперная кучасидаги 50-уй сотилади. Бу планли, 3 сотих ерли хонадонда ошхона, саунали ҳаммом, табиий газ, иситиш қурилмаси, телефон мавжуд.
Тошкент шаҳар «Ганга» магазини яқинида жойлашган 9 қаватли уйнинг учинчи қаватидаги уч хонали квартира сотилади.
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини олдига жойлашган гиштли уйдаги 2 хонали квартира сотилади.
Юқоридаги уй ва квартираларнинг сотилиши буйича мувожаат учун телефонлар: 54-64-21; 144-50-60.

ИХЛОС

Рўза тутиш (оғиз ёпиш) нияти

Новайту-ан асума совма шаҳри Рамазана минал фаҳри илаи мағриби, холисан лилаҳи Тағола. Аллоҳу акбар
Яъни: Аллоҳ таоло учун ислоҳим бирла Рамазон ойининг рузасини субҳдан кун ботунча тутмоқликни ният қилдим. Аллоҳу акбар

Рамазон кунлари	Декабрь Январь	Ҳафта кунлари	Саҳарлик туташ	Ифтор вақти
1	31	Чоршанба	6:09	17:04
2	1	Пайшанба	6:08	17:05
3	2	Жума	6:08	17:05
4	3	Шанба	6:07	17:06
5	4	Якшанба	6:06	17:07
6	5	Душанба	6:06	17:08
7	6	Сешанба	6:06	17:09
8	7	Чоршанба	6:05	17:10
9	8	Пайшанба	6:05	17:11
10	9	Жума	6:04	17:12
11	10	Шанба	6:04	17:13
12	11	Якшанба	6:03	17:14
13	12	Душанба	6:03	17:15
14	13	Сешанба	6:02	17:16
15	14	Чоршанба	6:01	17:17
16	15	Пайшанба	6:01	17:19
17	16	Жума	6:00	17:21
18	17	Шанба	5:59	17:22
19	18	Якшанба	5:58	17:23
20	19	Душанба	5:58	17:24
21	20	Сешанба	5:57	17:25
22	21	Чоршанба	5:56	17:26
23	22	Пайшанба	5:55	17:27
24	23	Жума	5:54	17:28
25	24	Шанба	5:53	17:30
26	25	Якшанба	5:52	17:31
27	26	Душанба	5:51	17:32
28	27	Сешанба	5:50	17:33
29	28	Чоршанба	5:48	17:35
30	29	Пайшанба	5:47	17:37

Ифторлик (оғиз очиш) нияти

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва алайка таваккалту ва ала ризика афтарту, фағфирли йа Гаффару ма қоддарту ва ма ахарту бирохмастик ая арҳамар роҳимин.

Яъни: Эй, бор Худое, ушбу рузамини фақат сеинг учун тутдим ва сента иймон келтирдим ва сента таваккал қилдим ва сеинг берган ризикин билан ифтор қилдим, эй гуноҳларни афқ қилувчи Аллоҳ, сеинг аввалги гуноҳларимни ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилди ва ярлақатил.

Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобиди)
Аввал: Андижон—12, Жамбул, Қўқон—7, Жалолобод—15, Наманган, Фарғона—10, Уш—14, Хўжад—6, Чимкент—1.
Кейин: Бухоро—11, Дегов—7, Жиззах—6, Навоий—19, Нурота—14, Туркистон—4, Самарқанд—9, Хива—35, Шаҳрисабз—10, Қарши—11.

НОПОК ЛУҚМА

Масжидда воизлик қилаётган тақвадор уламога шу ерда иштирок этаётган муминлардан бири ошқора савол билан мувожаз эгди.

— Тожаир, биз биламизки, сиз эл-юрт орасида халққа иймон нури тарқатасиз. Панду насихатларингиз ила бандларга Қуръони Карим орқали нозил қилинган Оллоҳнинг турри йўлини тарғиб қилиб, одобу амалларингиз ила барчага ибрату намуна бўласиз. Билмакс, бизни бир пар-

ҲИКОЯТ

ганлиги бизга қоронғу. Албатта буларнинг ичида пешона терзи эвазига эмас, нопок йўллар билан топишган ноҳалол луқмалар ҳам бўлиши мумкин. Биз ҳам улардан баҳраманд бўламиз. Мен углимининг бундай қисмати сабабини уйлаганимда, у қанлайдир харом йўл билан топишган еки истеъмол қилинган буюриданлуқма луқманинг қувватидан бинао бўлан бўлса ажаб эмас, деган ҳаёлга бораман, — деди уламо.

Нашрга Абдулла МАДАЛИЕВ тайёрлаган



Халқимиз бир умр оқдикни, боқиралдикни қалбига туғиб яшайди. Балки, шунданми, содда ва самимий. Не-не машаққат-ла етиштирган пахтага боқиб, уни қорға менгайдим, қорға тикилиб пахтаси ёдига тушайди. Ниятлар каби ошқор табиат эса йил кўтди келишидан дарак беради. Қандай соз!
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

Ахлоқ-одоб чашмалари

- * Раҳми ва меҳрибон Тангри номи билан Расулulloҳ Алайҳис салом айтадилар:
- * Кимки судҳ битими билан яшайтган гайридиниши ўлдирса, у жиннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди. Ваҳоланки, унинг бўйи қирқ йиллик масофадан сезилиб туради.
- * Кимки мусулмон мамлакатидида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан урилади.
- * Кимки эри бир ёққа кетган аёл билан зино қилса, қиёматда унга бир илон орқали азоб берилади.
- * Бу дунёда иккиозламанчи бўлган одамда ўтдан ясалган икки тили бўлади.
- * Кимки соч қўйган бўлса, уни эъзаб тоза ва тартибли тунсин!
- * Кимнинг ёш гўдаги бўлса унга гўдақларча қилиқ қилиб эркалатсин!
- * Кимнинг имони Тангри ва охират кунига содиқ бўлса, қўниисига яхшилик қилсин, меҳмонини изат-иқром қилсин ва гапирса фойдали гап гапирсин ёки жим юрсин.
- * Кимнингки Тангрига ва охират кунига имон-ишончи бўлса, бирор мўминнинг кўнгулига итириб ёки кўрқич солмасин!
- * Кимки меинг номидан ёлғон ҳадис тўқиб тарқатса, дўзахнинг жоҳаган еридан ўзига жо тайлайверсин.

Қидирбой Тўлабоев тўплаган.

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ
Тахрир ҳайъати: Расулмат ХУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКИРҲЕВ, Сиддиқхон МУҲАММАДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир уринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМПИ:
«Ўзқишлоқхўжалиқтаъминотузаътиш» давлат-шаркат кумитаси
«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
ТЕЛЕФОНЛАР. Мухаррир уринбосари — 1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93.
Дехқончилик бўлими — 1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими — 1-36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.